

O'zbekiston adabiyoti va san'ati



1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOIIY GAZETA

2021-yil 9-aprel / № 15 (4622)

9 апрель — Амир Темур таваллуд тогган кун

СОҲИБҚИРОННИНГ БУГУНГИ КОТИБЛАРИ

Амир Темур ҳазратларининг мухлислари турли миллат ва дин вакиллари орасида ҳамшиша бўлган. Ўз юртида унинг ҳақиқий тарихини ўрганишни таққиллаган мустабид тузум даврида, олис Францияда “Темурийлар тарихи ва маданиятини ўрганиш жамияти” фаолият юртиб, “Темурийлар” журнали мунтазам чоп этилган.

Халқона ибора билан айтганда, “Аллоҳ азиз қилган зотларни бандаси асло хор қила олмайди”. Бугун юртимизда деган исмига “темурийзода” деган фахрли рутба қўшиб аташга арзийдиган фидойи инсонлар анча-мунча топилади. Буюк зотларга маънавий авлод эканлигининг англаш — улуг саодат.

— Амир Темур давлатининг Хитой билан савдо-сотик ва дипломатик муносабатлари ҳақидаги ҳисоботларнинг инглиз тилидаги таржимасини Интернетдан топдим, — дейди буюк адиб Абдулла Қодирийнинг набираси, адабиётшунос олим Хондамир Қодирий. — Шунинг таржима килдимокчиман. Яхши таржимон керак. Японияда ҳам Соҳибқирон бобомизга онд ноёб маълумотлар бор экан. Шунинг таржимаси керак...

Ваҳоланки, Хондамир акага бу маълумотларни излаб топиш ва таржима қилиш ҳақида ҳеч ким топширик ёки

буюртма бермаган. Бундан моддий манфаат кўриш имкони ҳам йўқ. Аммо яхши таржимон топилса, ўзининг камгарона жамғармасига ўғилдан олган маблағларни қўшиб бўлса-да, шу савоб ишни амалга ошироқчи. Чунки бундай инсонларда орийат, фахр ва миллий гурур, Ватан туйғуси билан лиммо-лим тўла қорак бор!

Амир Темур меросининг халққа қайтарилиши фидойилар учун энг катта бойлик бўлди. Ўзлигини таниган, гурурли бу инсонларни “Соҳибқироннинг бугунги котиблари”, дейиш мумкин.

Улар асрлар оша улуг Соҳибқирон байроғини қўйи туширмадан, авлоддан-авлодга етказиб қелишадир. Бу фидойилардан бугун ҳам “баронгор”, “жавонгор”, “манглай” каби жанговар бўлиналар тузиш мумкин. Қўйида бугунги темурий каламқашларнинг айримлари ҳақида хикоя



Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

МУБОРАК РАМАЗОН ОЙНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар натижасида барча соҳалар катори диний-маърифий ҳаётимизда ҳам катта ўзгаришлар юз бермоқда. Муқаддас динимизнинг тинчлик, дўстлик, бағрикенглик ва инсонпарварлик ғояларини, ислом цивилизацияси ривожига бекиёс ҳисса қўшган улуг аجدодларимизнинг бой илмий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш, ёшларни шу руҳда соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш борасида кенг имкониятлар очилмоқда.

Айниқса, юртимиз мўмин-мусулмонлари халқимиз учун асрлар давомида эзгулик, меҳр-оқибат ва хайру саҳават рамзи бўлиб келган муқаддас Рамазон ойини катта шоду хуррамлик ва шукроналик билан қутиб олиб, эзгу амалларни адо этмоқдалар.

Ушбу муборак ойнинг жамиятимиз ҳаётида тинчлик-барқарорлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, халқимизнинг диний-маънавий қадриятларини асраш ва ривожлантириш борасидаги аҳамиятини ҳисобга олиб ҳамда уни ҳар томонлама муносиб ўтказиш мақсадида:

1. 2021 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши 13 апрель кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита,

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Рамазон ойини қаратини қондаларига риоя қилган ҳолда миллий анъана ва қадриятларга мос ва муносиб ҳолда ўтказишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширсин.

Жойларда Рамазон ойининг мазмун-моҳиятида мужассам бўлган инсонийлик, маънавий поклик, сабр-қаноат каби фазилатларни эъзозлаш, бугунги тинч ва фаровон ҳаётимизни қадрлаш, одамларни бир-бирига яхшилик қилиш, аҳил ва ҳамжихат бўлиб яшашга даъват этадиган ҳамда ёш авлодни она Ватанга муҳаббат, азалий анъана ва қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган тарғибот тадбирларини ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 8 апрель



Афғонистоннинг Ҳирот шаҳрида 7-8 апрель кунлари буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон, Афғонистон, Озарбайжон, Қозғистон, Қирғизистон, Туркия ва Туркменистондан таниқли навоийшунос олимлар, илмий тадқиқотчилар, филологлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

ҲИРОТДА АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 580 ЙИЛЛИГИ КЕНГ НИШОНЛАНДИ

Мамлакатимиздан таниқли навоийшунос олимлар, тадқиқотчилар, филологлар ва Алишер Навоий ижоди билмдонларидан ташкил топган делегация иштирок этди.

Анжуманда Афғонистон Президентининг администрацияси раҳбари Мухаммад Шокир Коргар Афғонистонда пушту ва дари билан бирга ўзбек тили ҳам асосий тиллардан бири экани, мамлакатда барча халқ вакиллари, жумладан, ўзбекларнинг мактаб ва олий таълим масканларида таҳсил олиши учун шарт-шароитлар яратилганини кайд этди.

Афғонистон Президентини Ашраф Ғани конференция иштирокчиларига видеомурожаат йўлади. У афғон халқи номидан Ўзбекистон раҳбариятига икки давлат халқларининг муштарак аждодлари маданий-маърифий меросини асраб-авайлашга катта эътибор қаратаётгани учун алоҳида миннатдорлик ихсоз этди.

“Ўзбекистон томонидан Ҳиротда Алишер Навоий ёдгорлик мажмуасини ободонлаштириш ва қайта таъмирлаш дастурининг ишга туширилгани ва буюк шоирнинг “Хамса” асари қайта нашр этилгани Навоий меросини ўрганиш афғон илмий-академик ҳам-жамияти ва дунё мутахассислари орасида юксак ва ижобий баҳога сазовордир”, —

дейлади Афғонистон раҳбари мурожаатида.

Анжуман иштирокчилари Алишер Навоий ҳаёти, ижоди ва фаолияти ҳақида батафсил тўхталиб ўтди.

Ўзбекистон Президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили Исмагилла Эргашев ва Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори Шуҳрат Сирожидинов йиғилганлар ҳузурида сўзга чиқди. Улар конференция иштирокчилари эътиборини ўзбек ва афғон халқларининг маданий-маънавий ва тарихий мероси муштараклиги, ушбу бебаҳо меросда Навоий ҳаёти ва ижоди марказий ўринлардан бирини эгаллаб туриши ва буюк аждодимиз шеърини чўққиларини англашга ётишда бирлаштирувчи тамойил бўлиб хизмат қилаётганига қаратди.

Халқаро конференцияда Ўзбекистон Президентини номидан афғон халқига совға сифатида чоп этилган Алишер Навоийнинг “Хамса” асари тақдим этилди. Ушбу совғани давлатимиз раҳбарининг Афғонистон бўйича махсус вакили Исмагилла Эргашев топширди.

Тадбир доирасида иштирокчилар Алишер Навоий ва Гавҳаршодбегим қабрларини зиёрат қилиб, гулчамбарлар қўйди.

“Дунё” АА

Ҳирот

Рустам МУСУРМОН,
Қорақалпоғистон халқ шоири

СЕНИ КУЙЛАЙМИЗ, БЎЗАТОВ!

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан шу йил 5 — 6 апрель кунлари Қорақалпоғистон Республикасида Бўзатов шеърини фестивали бўлиб ўтди. Фестивал доирасида Нукус шаҳридаги Болалар кутубхонаси, Ибройим Юсуфов номидаги ижод мактаби ҳамда Бўзатов туманидаги маданият ва маърифат масканлари, қўшма қорхоналар ва фермер хўжаликларида ижодий-маънавий тадбирлар, мушоиралар ва давра суҳбатлари ташкил этилди.

Маънавий ҳаётимизда улкан воқеа ҳисобланган ушбу анжуман давомида шоирлар ва ёзувчилар мард ва танги қорақалпоқ халқи томонидан бугунги кунда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ва бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишишди, фидойи замондошларимиз, бугунги куннинг қахрамонлари билан чин дилдан суҳбатлашди.

Шеърини фестивалида иштирок этиш учун эрта тонгдан йўлга от-

ланарканмиз, барчамизнинг кўнглимизда қорақалпоқ дўстларимиз дийдорига ошиқиб ва ҳаяжон қўш уларди.

Нукусга тушганимизданок тадбир устидан чиқдик, Болалар кутубхонасида бутун мамлакатимиз бўйлаб ўтказилаётган китобхонлик ҳафталиги доирасида тадбир бўлаётган экан. Қорақалпоғистонлик ижодкорлар, ноширлар, кутубхоначилар, ахборот-ресурс марказлари ходимлари ва

китобхонлар йиғилган. “Истиклол дам олиш маркази” деб аталган боғ ва оромгоҳ ҳудудида наشريётлар ва кутубхоналар томонидан китоблар кўргазмаси ташкил этилган. Ўқувчилар шу ернинг ўзиде китоблар муаллифлари билан учрашиб суҳбатлашмоқда, адиблардан дастхат ёздириб олишмоқда. Расталарда Тошкентда чоп этилган ноёб китоблар ҳам борлигидан қувондик.



ҚОДИРИЙ САБОҚЛАРИ


Юртимизнинг шаҳар ва туманлари, меҳнат жамоалари, таълим муассасаларида ва хонадонларда буюк адиб Абдулла Қодирий ҳар кунини ёдга олинади, асарлари мутолаа қилинади. Адиб таваллуд кунлари арафасида эса, бу тадбирлар янада кенг қамров касб этади.

Шайхонтоҳур туманида адиб яшаб ўтган боғ-ҳовлида ташкил этилган уй музейга борар эканмиз. Тошкент давлат аграр университети талабаларига дуч келдик. Аграрлиқ йўналиши 3-босқич талабаси, “Нихол” тўғараги аъзоси Исроил Ҳазратқулов ўз таассуротлари билан ўртоқлашди:

— Бу ерга келиб “Ўткан кунлар” романидан олган тасаввурларим янада бойиди. Энди Қодирий романларини қайта ўқиб чиқаман.

Адиб номидаги уй-музей директори, ёзувчининг набираси Хондамир Қодирийнинг айтишича, айни кунларда музей ҳар доимгидан-да гавжум.

— Уй-музейга келаётганлар орасида Тошкент вилоятидаги олий ўқув юртли талабалари фаоллигини таъқидлаш жоиз. 10 апрель кунини катта анжуман ўтказишга тайёргарлик кўряпмиз. Унда Ижод мактаби, мемориал музей, “Турон” кутубхонаси, Техника университети, Охангарон шаҳридаги олий ўқув юрти ва бошқа таълим муассасалари устоз ва талабалари, ўқувчилари иштирок этишади. Музейда турли тадбирлар — китоб тақдимотлари, адиблар билан учрашувлар, фото ва тасвирий санъат кўргазмаларини ўтказиш анъанага айлиниб бормоқда.



НАВОИЙ МУКОФОТИ

Юлдузлар саёҳати бир кутлуг ниҳомдадир, Оламнинг саодати табассум, саломдадир, Юракнинг ҳарорати поккиза қаломдадир, Навоий ўзбегимга Тангрининг илтифоти, Навоийни англамоқ — Навоий мукофоти.

“Чор девон” — чаҳори ёр, кўнглимга нур ёғилгай, “Назм ул-жавоҳир” билан йўлимга дур ёғилгай, “Лисон ут-тайр” ичра руҳимга сир ёғилгай, “Хамса”дан баҳра бўлса умрнинг барокоти, Навоийни англамоқ — Навоий мукофоти.

Осмонга елка тутган тоғларим, сиз бор бўлинг, Оламга мева тутган боғларим, сиз бор бўлинг, Гоҳ қулган, гоҳ ғам ютган чоғларим, сиз бор бўлинг, “Арбаъин” билан асли қалбимнинг қамолоти, Навоийни англамоқ — Навоий мукофоти.

Ҳазрат боболаримдан қанча-қанча қарзим бор, Дардан қочган боладай қолиб кетган дарсим бор, Шу ҳолда ҳам ичимда поён билмас арзим бор, Бўғимдаги илтижо — қалбимнинг муножоти, Навоийни англамоқ — Навоий мукофоти.

Умр бўйи инсонлар ғамини еган дилнинг, Муайян турк улуси худ менинг деган дилнинг, Давлати кам бўлмагай аждодин севган дилнинг, Навоий қулдети — Ватан адабиёти, Навоийни англамоқ — Навоий мукофоти.

Юрт сарвари туфайли сарбаланд эҳтиромни, Жаҳон айвонларидан янгради Ҳазрат номи, Туркий эллар ичиде мангу юксак мақомни, Маҳарга қадар янгради Навоийнинг баёти, Навоийни англамоқ — Навоий мукофоти.

Маним борар манзилим — қалбимда Ҳиротим бор, Ҳамиша парвозга шай қанотли Ғиротим бор, Сўз олгин саботим бор, сўз деган ҳаётим бор, Бу кун диллар сўз мулки султонини музофоти, Навоийни англамоқ — Навоий мукофоти.

Ғайрат МАЖИД

СОҲИБҚИРОННИНГ БУГУНГИ КОТИБЛАРИ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада.

САМИМИЯТ ҚЎШИҒИ

1991 йилнинг кайноқ ёз кунларидан берида “Амир Темур юрған йўллари бўйлаб” номли илмий экспедиция ўзининг илк сафарини бошлади. Ўзбекистоннинг Халқаро Саҳибқирон ушбу сафарнинг ташкилотчиси ва сарбозларидан бири эди. Экспедиция “Юкори”нинг фармон ёки бўйруги бўлган тугулгани йўқ, бирорта амалдор лоқал оғзаки қўллаб-қувватлаган ҳам. Ўшанда экспедиция автобуси Соҳибқироннинг муҳлислари, таъбир жоиз бўлса, “жангчилари” билан тўлган эди (фидоийларнинг “бошини қовуштириш” осон иш эмас).

Молжавий таъминот — экспедиция аъзоларининг ҳисобидан. Муайян тайёргарлик қўрилганига қарамай, олдидан уларни мавҳумлик кутарди. Чунки собиқ мустабид тузум амалда, у ўзининг сўнгги нафасини олаётгани ўшанда қимнинг ҳақиқатлиги келибди?

Газетанинг ҳар сонидеда Ҳақим Саҳибқироннинг “Чинор кунлар” номли туркум мақолалари эълон қилинади. Ўшанда биз талабалар гаройиб сафар таассуротларини қўлма-қўл қилиб ўқирдик. Бу мақолаларда юрт гўзаллиги, турфа одамлар кифёси, тарихга муносабат ва улуг боболарнинг ўлмас мероси жуда кизикарли ёритиларди.

У вақтларда уяли телефон, интернет ва электрон почта каби қўлайликлар йўқ эди. Юртимизнинг чечка худудларидан мақолалар пойтахтга қандай етказилган? Ҳақим Саҳибқирон сафар давомида тўхталган ҳар манзилда тинимсиз ёзиб, тайёр мақолаларни пойтахтга йўл олаётган одамлар орқали юбориб турган. Қарангки, қўшнча тасодифий учраган хамкорларимиз пойтахтга келиб, газета таҳририятига мақолаларни бегараз етказишган. Муаллиф, ўша мақолаларидан бирида, “Япасин самимият!” деган хитоб қилгани ҳам бежиз эмас...

— Илк сафарда қатнашиб истагани билдирган номзодлар кўпчилигидан, уларни танлов асосида экпе-дицияга қўшганимиз, — дейди Ҳақим ака. — Одамларда тарихимизга кизиккиш кучли эди. Сафардан қайтган, ўн йилдан кейин ҳаммами яна учрашамиз, янги экспедиция уюштирамиз, дея ўзаро ақд қилгандик. Орадан ўн йил ўтиб, 2001 йилда шу ваъдага асосан, “Иккинчи сафар бўлади!” деган мақола ёздим. Унда биринчи экспедиция аъзоларининг исм-фамилиялари санаб ўтилган, янги сафар ҳақида эълон ҳам берилганди. Аммо не ажабки, бирорта одам бу эълонга жавоб бермади. Экспедициянинг собиқ аъзолари, шунингдек, янги иштирокчилар ҳам тўшанмади. Наҳотки шунчалик тез ўзгариб кетган бўлмас?

Ҳақим Саҳибқирон эса ўшандан бери Соҳибқирон бобомиз хизматига содиқ қолди. Ижоднинг бош мавзуси, завқ-шавқи, фалсафасиё илҳом буюк Амир Темур шахси билан боғлиқ. Унинг “Хотира қарвони”, “Амир Темур севган юрт”, “Истиффор”, “Ҳазрат Соҳибқирон”, “Олтин силсила”, “Соҳибқирон абадияти” ва бошқа кўплаб асарлари китобхонлар билан муносабат бойитиб борилади.

— “Соҳибқирон Амир Темур миллатимизга, дунёга нима берди?” деган ҳайбатли саволга ҳануз тўла-тўқис жавоб бера олмаганим йўқ! Боболаримиз

нинг улутвор кифёсини бутун салобати ила кўрсата олмаганимиз...

Адиб ана шу фикрларни кўп такрорлайди. Ҳақим Саҳибқирон мавзуси очилса, уни “ёниш” кийин. “Бу одамнинг катта бобоси ўз вақтда Соҳибқироннинг муншӣбошини бўлгандир, балки”, дея ўйлайман. Амир Темурга нисбатан бундай улкан меҳр қон орқали, наслдан-наслга ўтади-да.

Бугунги ёшларга Соҳибқирон меросини етказишда Ҳақим Саҳибқироннинг асарлари жуда муҳим ўрин тутди.

ХАЗИНАБОН

Ўзбекистоннинг Тўлкин Хайит — Соҳибқироннинг энг нуфузли мулозимларидан бири. У — Халқаро Амир Темур жамғармасининг мутасаддиси. “Жамғарма” — ҳазина, деган гап. Тўлкин Хайит эса етти иқлим ҳуқмдори бўлган Соҳибқирон бобомизнинг бугунги хазинабони!

Мансаб билан улутғам одам, Мансаб — одам билан мансаб — деган ҳикмат айнан шу одамга жуда мос келади. Негаки, Соҳибқироннинг бугунги хазинаси йигирма етти юртинг бож-хирожи, қўзни қамаштирувчи лаълю жаҳохирлар билан эмас, балки Тўлкин ака сингари фидоийлар ва улуг улашаётган маънавий зиёси билан жуда бой саналади.

Хўш, жамғармада пул бўлмаса нима қилибди? Илм-маърифат, тадбир, кенгашу машварат ва ташкилотчилик қобилияти ҳам — катта бойлик эмасми? Шу ўринда тарих китобларида дарж этилган бир ривоят эсга тушади: олиё юртда, узок юришларнинг бирида Соҳибқирон қўшинида ақча (пул) тугаб қолади. Навкарларга озик-овкат, олтарга ем-хашак сотиб олиш зарур. Адолатли Соҳибқирон ҳеч қачон ўзга юртларда зўрик билан фуқаролар молига назар солмаган. Ҳазрат дарҳол Самарқандга чопар йўллайди. Библиономга ном битиб, хазинадан ақча юборишини сўрайди. Оқила малика ўша хатнинг орқасига биргина жумла ёзди-да, чопарни орта қуруқ қайтарди. Хатда шундай ёзилган эди: “Улуг амир, агар зарингиз тугаган бўлса, сиеъатингиз ҳам тугади!”

Маликанинг оқида маслаҳатини аниқлаган Соҳибқирон, қўшинида сўйилган чорва суякларини йигдириб, ҳар хил қатталиқда кесдиради. Уларга муҳр босилади, турлича қиймат белгиланиб, муваққат пул сифатида муомалага кирилади. Бу пулларга қўшни учун зарур моллар сотиб олинади. Шаҳар забт этилиб, молжавий муаммо барҳам топган, суяк пуллар қийматига қараб олтин, қумуш ва мис тангаларга алмаштирилади...

Ҳозирча Тўлкин Хайит бу бобомерос усулни қўллагани йўқку-я, лекин асло тинч ўтirmайди. Ишлари жуда кўп. Мақтаб ўқувчилари ўртасида темирхонлик танловини уюштилади. Хонасида ўқувчилар ёзган иншолар ва чизган расмлари баъзан шунчалик қўпаядики, уларнинг панасида ўзўзининг миктигина гавдаси кўринмай қолади. Бир қарасангиз, коллеж ўқувчилари даврасида, уларга Соҳибқирон ҳақида тўлиб-топиб ҳикоя қилаётган бўлади. Асосийси — танлов ғолиблари Тўлкин ака ҳузуридан ҳеч қачон совринсиз, яъни китобсиз қайтишмайди. Соҳибқироннинг хазинаси ана шундай, баракади.

Тўлкин Хайит доимо очик чеҳра ва ўзгача виқор билан юради. Шу боис, уни кўрган одам, Тўлкин ака чиндан ҳам жуда бой, унинг хазинаси Темурбек бобоминг жаҳохирлари билан лиз тўла эканига шубҳа

қилмайди. Агар ёзган китоблари бир нусхадан устма-уст тахлаб чиқилса, адибнинг бўйидан анча банд минора ҳосил бўлади...

Тарих китобларида ёзилишича, Темурбек танлаб олган саркардалар ўзларининг харбий маҳоратларини нафақат уруш кезларида, балки тинч меҳнат чоғида ҳам намойиш этишга тинмай ҳаракат қилар эдилар.

Бу маълумот ҳазрат Соҳибқироннинг бугунги фидоий жангчиларига ҳам бирдек тегишлидир. Ўзбекистон Тўлкин Хайит фаолияти — бунга яққол мисол бўла олади.

ЎҚУТ БИЛАН СЎЗЛАШГАН ОЛИМ

1991 йили «Шарқ юлдузи» журналининг 10-сонидеда ўзбекистонлик Озод Мўминнинг «Буюк Амир Темур ёқути» деб номланган қиссаси босилган эди. Ўшанда машҳур “пахта иши”нинг марҳумлари хали битмаган эди. Турмуш шароити оғирлашган, умр бўйи меҳнат қилиб, бири икки бўлмаган одам, ўз бобосининг беҳисоб бойликлари ҳақида хабар топса, қандай ахволга тушади?

Бу асар дард билан ёзилган. Шўро тузумининг бедоллиги авжига чиққан замон эди. Аммо жангловар фарзандлари жисмонан махв этилса-да, ҳалқимиз қалбидеда улуг аждодлар ёди мудраб ётарди. Шу боис, “Буюк Амир Темур ёқути” одамларнинг юрагига ҳажжон солди. Таъбир жоиз бўлса, бу қисса қай даражадодир Соҳибқирон қўшинини жамлаган тавочи амир вазифасини бажарди. Яъни ҳамфикрларни, Амир Темурнинг бугунги фидоийларини бирлаштирди.

Афсуски, дунё тарихидаги ноёб ёқут ҳисобланган «Чирого олам» бугун Лондонда сакланади, у инглиз қироличаси тақинчоғини беэаб турибди. Бобомиз бизга улуг салтанат билан бирига, милсиз бой хазинасини ҳам мерос қилиб қолдирган эди. Хазинада йигирма беш миғ асл жаҳохирлар, улар ичидеда эса «Чирого олам» номли ўта ноёб ёқут бўлган. У — дунёдаги энг улкан жаҳохир бўлиб, унинг лоқал яримча келадиган бошқа ёқут хануз топилмаган. Ноҳазиллик, нафе балоси ва фитна-фасод туфайли Соҳибқирон вафотидан сўнг дастлабки уч-тўрт йил ичидеда улкан хазинадан, уч-тўрт аср ўтган эса, давлатдан, мустақилликдан ҳам жудо бўлдик...

Ўзбекистон Озод Мўмин, ўтган асрнинг 80-йиллари охирида тили, дини ва бойликларидан жудо бўлган миллат ҳақида ҳасратли ўйларини қуйидагича ёзди: “Тоҳо-тоҳо менга узоклардан, аннотроги, сертуман Албюнд деб атагувчи Британия оролидаги қирол оиласи истикомаг қилувчи Букинхем сароибидан бир ниҳо келаетгандек туюлади. «Мени буюк Амир Темур авлодлари яшаётган серкуёп, нурили ўлкага олиб кетинг!» — илтимос қилади у ниҳо. — Мен олам чирого бўлганим билан, ёрут нуралини тўйиб эмиб турмак, нозик жилолар таратолмайман...”

«Афсуски, биз буюк Амир Темурга муносиб авлод эмасмиз, — ўйлайман мен. — Бу пешона эмас, кўргилдиклар. Биз келгуси авлодлар олдида ҳам жазога мустаҳкимиз. Бизни кеңир, бор иш қўлимиздан келмайди. Сенга эгалик қилишга, маънавий ожизлигимиз туфайли, асло ҳақкимиз йўқ... Аммо менинг қалбим, бу сатрлардан сенинг мавжудлигинг билан халқимнинг ҳам қалби сен билан биргадир».

Халқимизнинг асрий армони, орзу-ниятларини ўзига хо аке этган бу асарнинг пойқадами қўтулг келди. Ўша йили Ватанмиз улуг Истиклолга эришди. Бугун Ватан фарзандларининг барча жабабаларда жаҳон майдонларини бирин-кетин забт этаётганини кўриб, кўнгиллр тоғдек юксалмоқда. Орута айб йўқ. Ажойиб қўшларнинг бирида “Чирого олам”ни ҳам ўз Ватанига, ҳақиқий ворислар ихтиёрига қайтариш имкони-да пайдо бўлар?!

Бахтиёр ХАЙДАРОВ

СОҲИБҚИРОН ҲАҚИДА ШЕЪРИЙ РОМАН

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти томонидан танлиқ шоир Шукрур Қўрбоннинг “Халоскорлик ёхуд Амир Темур имони” номли шеърий романи чоп этилди.

Соҳибқирон Амир Темур даҳоси тўғрисида кўп ва хўп ёзилган. Бироқ фаолият давомидеда ёрқин намоён бўлган имон-эътиқоди хусусида бадиий асар яратилмаган эди. Маъзур шеърий романда буюк бобомизнинг ҳар бир савий-харакати замирида адолат ва инсонпарварлик йўлидан бориб,

эл-юртни босқинчилардан озод қилишдаги мислсиз жасоратлари кизикарли. ҳаётни ва тарихий воқеа-ҳодисалар асосида кўрсатиб берилган.

Уч китобдан таркиб топган шеърий романда муаллиф “Темур тузуқлари” асарига янгича назар билан қарашга, унинг теран моҳиятига боғлиқ турли хил қирраларини очишга интилган.

Муаллиф маъзур асарини таникли адиб Тохир Малик хотирасига бағишлаган.

“Ўткан кунлар”, “Меҳробдан қаён”, “Обид кетмон” ва бошқа бир мунча асарларнинг ёзувчиси Абдулла Қодирий 10 мартда “Еш ленинчи”нинг адабий тўғарасида ўз адабий таъриби оларини ёши ёзувчилар билан ўртоқлашди. Ўзбекистоннинг узун доқладидеда ўз ижодининг ҳақма таломларини ёритишга уринди. Унинг доқладининг биринчи қисми то биринчи романини ёзишга боидан кеңирас сарғузашларига, унинг турмуш мақтабига боғланган эди:

ЎЗУВЧИ ЎЗ ИЖОДИ ТЎҒРИСИДА Абдулла Қодирий — Жулқунбой доқладидан

— Менинг бошимдан кеңирганларимни айтишдан мақсадам шунки, ҳақиқий ёзувчи бўлмақ учун турмушнинг ҳар тарафини ўрганги, бунинг учун унинг ҳар соҳаларидан хабардор бўлиш керак. Қисман менинг бошимдан кеңирганларим менинг ёзувчи бўлишимда катта роль ўйнаганлар. Ҳақиқий ёзувчи бўлишни истаган ёшларимиз ҳам дастлаб шу турмуш ичиде киришлари, уни билнишлари керак, — дейди ўртоқ Абдулла Қодирий. — Турмушнинг турли соҳаларида ишлашим натижасида мен ўзбекларнинг урф-одадларини, улар ичиде учрайтурган тишларини ўрналдим.

Асарлар устиде қандай ишлашга кўчиб, ёзувчи айтади. — Мен бир асар ёзишдан аввал шу ёзмақчи бўлган нарсама ҳақиқатга материалларни пушта ўрганиб чиқаман. Мен бирор жой тўғрисида асар ёзмақчи бўлсам, ўша жойни аввал неча бор кўрганам эсмада, яна бориб текшириб, ахшироқ ўрганиб келаман. Материални ўрганиш маҳалида энг майда нарсааларга (деталларга) ҳам аҳамият бераман. Масалан, мен халиги ўрганақчи бўлган ерда қанча дарак борлиги, уларнинг

қанчаси ёки ва қанчаси янги эканлиги, мен борган маҳалда ўша даракларда қандай қўшлар қайси хилда қўниб турганлиги ва шунга ўхшаш жуда майда нарсааларга. Биринчи қараганда, бу нарсаалар ҳеч аҳамиятга молиқ бўлмайтуғандек кўринса ҳам, кейинроқ фойдаси тегиб қолши жуда мушкин. Масалан, “Ўткан кунлар”ни ёзиш чоғида Маргилонга борганимда, бир кўчадан ўтаётиб, намозом маҳалида доғ қилинётган зигир ёгининг ҳиди бурнимага урилди, мен буни эсда тутиб қолшга тириндим. “Ўткан кунлар”нинг бир жойида шу қичкина детал киргизилганида, берилаётган тасвирининг яна ҳам одам ишонарлик бўлиб чиқгани эсимда. Умуман, деталлар ўқувчида ёзувчиға ишонч уйғотади. Лекин мен ҳар қандай майда деталларни ҳам асарга киргизга бермайман. Уларнинг шу асарнинг худди шу жойида тасвир этилаётган ахволга, идеяга тўғри келиш-келинмаслигини суриштириб ишлатмаман.

Ўзбекистон бўлмаган деган ҳар бир киши ўзида мана шундай турмушнинг майда-чўйдаларигача қузата олаётганини қобилиятни ўсириши керак.

Ўқинда халқимиз ҳаётинида бағоят муҳим тарихий ҳодиса юз берди: Туркий Кенгаш давлатлари раҳбарлари иштирокида турк оламининг улуг шоири ва мутафаккири Хожа Аҳмад Йассаий шайб ўтган қадимий ва навқирон Туркистон шаҳри билан боғланган катта анжуман — видеоқонференция шайида норасмий саммит ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентини Шайхат Мирзиёев чўкур мазмули, ҳаётини ташаббусларга бой нутқ сўзлади. Нутқини тинглаг эканман, миллионлаб ватандошларим қатори менинг ҳам қўнглимни беҳиштиёр фахру ифтихор қислари қўлади...

МУНОСАБАТ

ТУРКИЙ БИРЛИК РУҲИ МЎЪЖИЗАЛАРИ

Аввало, кейинги пайтларда Туркий Кенгашнинг фаолияти бораётгани мақтовларга сазовор воқеа эканини таъкидлаш жоиз. Кенгашнинг ҳар бир мажлиси қачон ўтишини интиқлик билан қутаман. Давлатимиз раҳбарининг нутқларида ҳамма янги фикрлар, замоннинг “тили учиде турган” муаммолар айтмоқчи, долзарб масалалар, Амир Темур айтмоқчи, узок ўйлаб қилинган мулоҳазалар ўртага ташланади. Улар нафақат Ўзбекистон, балки бутун туркий олам, ҳатто жаҳон учун ҳам наф келтиришига асло шубҳа йўқ. Бу фикрлар, ташаббуслар Туркий Кенгаш раҳбарларида ва давлатларида ҳам табиий равишда катта кизиккич уйғотиб келмоқда.

Норасмий саммитдаги нутқда ҳам иктисодий алоқаларни кўчайтириш, ҳозир ишлаб чиқилаетган “Туркий дунё нигоҳи — 2040” концептуал ҳужжати асосида аъзо давлатларга хоё иктисодий ҳамкорлик стратегиясини тайёрлаш, савдо, инвестиция, санаот, транспорт алоқаларини тиклаш, давлатлар ўртасида санаот кооперациясини кўчайтириш, Марказий Осиё худуди орқали дунёнинг асосий бозорларига чиқиш ҳақида сўз борди ва энг муҳими, Туркий Кенгашнинг ўз Инвестициявий жамғармаси ҳамда Тараққиёт банкига эга бўлиш фўрсати етгани таъкидланди ҳамда амалий ишларни бошлашга даъват этилди.

Маънавият ва уни ривожлантириш ҳақидаги Нутқда келтирилган сўзлар, тақдифлар, очигини айтаман, мени хайратга солди!

Маънавият... Маънавиятга қўмилиган умр... Маънавиятти инсон, дейишимиз биланок, кўз олдимида ўз-ўзидан, бокиб ҳавас қиладиган кўрмак, ҳар бир сўзи ўзига ярашмиги, ҳалол ва ички гўзаллиги яққол кўриниб турадиган ёрқин сиймо намоён бўлади. Маънавият — бу инсоннинг юксак камолоти даражаси, барча ахлоқий фазилатлар тизими тажассуми, руҳий, ҳуқуқий, фалсафий, илмий, бадиий, диний қарашлар, соғлом ақл ва тан, одоб ва урф-одадларга, кадриятларга онд, теран тафаккурни тупуначалар, тасавурулар мажмуи... Маънавият, демак, бир олам, унинг ҳавосидан нафас олганлар миллатнинг ўзагини ташкил қилади.

Шу сабабдан, давлатимиз раҳбари юртимизда ҳам, хорижда ҳам ўз нутқларида бу мавзуга ҳамма алоҳида меҳр билан ёндашади. Мамнуният билан айтиш керакки, бу борада Ватанимизда олдинга шайдам қадмлар ташланмоқда, Учунчи Ренессансга катта йўллар очилмоқда.

“Ушбу шаҳри азим (Туркистон — таъкид бизники **МА**.) “Турк дунёсининг руҳоний пойтахтларидан бири” сифатида эълон қилинишида чўкур рамзий маъно бор, деган — сўзлар жаранглади нутқда. — Маълумки, Мир Алишер Навоий ҳазрат Йассаийға “Туркистон мулкининг шайхул мавойихи” деб юксак баҳо берганлар.”

Хожа Аҳмад Йассаий ўзининг юксак маънавияти, инсонпарварлик фазилатлари билан туркий оламда шон-шуҳрат қозонган сиймо эди. Давлатимиз раҳбарининг ҳазрат Йассаийға буюк Амир Темур чин дилдан илҳос қўйгани, унинг хотирасига атаб мухташам макбарга бунёд этигани, вақф ташкил қилгани ҳақидаги сўзлари тарихий ҳақиқатнинг ёрқин ифодаси бўлди. Чиндан ҳам, Соҳибқирон милодий 1397 йилда қўтулг ният билан пойтахт Самарқанддан йўлга чиқиб, ҳазратни зиёрат қилгани Туркистонга келди ва бугунги кунда қад ростлаб турган маҳобатли макбарга биносини бунёд этишга олиий фармон беради. Шуни

айтиш жоизки, макбарга учун ташкил этилган вақф XIX асрда ҳам фаолият юртлар эди. Ҳозир бу табаррук зиёратгоҳи Туркий Кенгаш давлатлари фуқаролари, барча қардош халқларимиз табаррук қадмжола қаторида кўради.

Нутқда, шунингдек, динимиз тарихида буюк мерос қолдирган улуг боболаримиз ҳаёти ва ижоди билан кенг жамоатчиликни яқиндан таништиришга, мамлакатларимиз худудида жойлашган мақдас қадмжолар бўйлаб “Табаррук зиёрат” лойиҳасини амалга оширишга, халқларимизнинг дунёвий фанлар ривожига қўшган бекиёс ҳиссасини ва бой маданий меросини чўкур ўрганиш ҳамда жаҳон миқёсида тарғиб этишга кизикни даъватлар янгради.

Маълумки, давлатимиз раҳбари Боқудеда ўтказилган саммитда адабиёт ва санъат соҳасида Туркий Кенгашнинг Халқаро мукофотини таъсис этиш ташаббусини илгари сурган эди.

“Туркий кенгашнинг илм-фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларини, шунингдек, туркий дунё бирлигини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган атоқли шахсларни рағбатлантириш мақсадида халқаро мукофот таъсис этиш ҳақидаги тақдифни маъқуллаганингиз учун ташаккур изҳор этаман, — дейилади нутқда Туркий Кенгаш давлатлари раҳбарлигига қарата. — Ушбу мукофотни Мир Алишер Навоий номи билан аташ ҳақидаги тақдифни қўллаб-қувватлаганингиз учун ўз номидан, Ўзбекистон халқи номидан чўкур миннатдорлик билдираман. Бундай хурмат-эътибор ва ишонч биз учун катта шарафдир. Биз буни барча туркий халқларнинг фахру ифтихори бўлган, улуг зот — Алишер Навоийға юксак эҳтиром ифодаси, деб қабул қилаемиз. Бу нуфузли мукофотнинг таъсис этилиши туркий бирлик руҳини мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз!”

Бу хушхабар бутун Ўзбекистон халқи кўкрагини кўтариб юборди! Кўнгиллр тўлқинланиб кетди! Алишер Навоий худди шу қўшларни кўрганай, бундан беш юз ўттиз етти йил аввал “Фарҳод ва Ширин” достонига охирги нуқтани кўяр экан, буюк меҳнати нафиясидан руҳланиб, она халқи билан фаҳрланиб, шундай бапоратомиз сўзларини битган эди. Бу сўзларнинг гўё бугун ёзиладиган жаранглишига эътибор беринг:

**Агар бир қавм, гар юз, йўқса миндур,
Муайян турк улуси худ мениндур!**

**Олибмен тахти фармонингга осон,
Черик чекмай Хитотин то Хурсон.**

**Кўнгул беримш сўзингга турк жон ҳам,
Не ёлғиз турк, балким туркмон ҳам.**

**Не мулк ичраки бир фармон ийбордим,
Ашиг забтига бир девон ийбордим!**

Ҳа, муштарак тил, ягона дин, тарихий ва маданий ришталар асосида шаклланган Туркий Кенгаш ташкилотти минтақавий ҳамкорликнинг самарали тизимиға айланмоқда. Туркий бирлик руҳи яна ҳам юксакларда парвоз қилишга интилмоқда. Бу қўтулг ва эъзу юмшларда Янги Ўзбекистоннинг нуфузи тобора ошиб бораётгани ҳаммамизга гўрур ва ифтихор туйғуларини бағишламоқда.

**Муҳаммад А.ПИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси**

*Ёзувчилар
Уюшмасида*

ТАРЖИМОНЛАР КЕНГАШИ

Ўзбекистон уюшмасида таржмон ижодкорларнинг Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурдаги Таржимонлар бюроси билан ҳамкорлик ўрнатилган масалаларга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида дунёнинг ўндан ортик тиллари бўйича бўлимлардан иборат Таржимонлар бюроси вақиллари ва Ўзбекистон уюшмаси аъзолари — таржимон шоир ва ёзувчилар ўртасида ўзаро таъриба алмашув ҳамда ҳамжихатликда фаолият юритиш ҳақида сўз борди. Жумладан, жаҳон адабиёти дурдоналарини ўзбек тилига, ўзбек адаблиари асарларини дунё тилларига таржима қилишдаги муаммоларни биргалликда баргараф этиш омилида борасида кенгашиб олинди.

Ўз муҳбиримиз

*“Қизил Ўзбекистон” газетаси,
1935 йил 14 март, 60-сон.*



ҚОДИРИЙ САБОҚЛАРИ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада.

Абдулла Қодирий номидаги Ижод мактаби директори, педагогика фанлари номзоди Нилуфар Йўлдошеванинг айтишича, адиб таваллуд кунига бағишлаб Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ҳамда “Турон” ахборот-кутубхона маркази ҳамкорлигида “Абдулла Қодирий — миллат кўзгуси” мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, Ижод мактабида адиб ҳаёти ва ижодини илмий тадиққ этиш йўлига қўйилган. Чунки, айни пайтда 15 апрель кун “Абдулла Қодирий ижодий меросининг ўзбек ва жаҳон адабий-эстетик тафаккури тараққиётидаги ўрни” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ташкил этишга ҳозирлик қўриляпти. Конференцияда Шерқон Қодирийнинг адиб ҳаёти ва ижодига онд янги китоби тақдими ҳам ўтказилди.

Тошкентнинг Жангтоҳ мавзесидедаги Абдулла Қодирий номидаги

маданият ва истироҳат боғи ҳамда замонавий услубда бунёд этилган мемориал музей ҳам



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/oz/asar/5559> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/5559> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/5559>